



ZAMONAVIY DUNYODA AMALIY FANLAR: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI



INNOVATIVE ACADEMY

«INNOVATIVE ACADEMY» ILMIY TADQIQOTLARNI
QO'LLAB-QUVVATLASH MARKAZI

«ZAMONAVIY DUNYODA AMALIY FANLAR: MUAMMOLAR
VA YECHIMLAR»NOMLI № 2-SONLI ILMIY, MASOFAVIY,
ONLAYN KONFERENSIYASI

ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYA TO'PLAMI
СБОРНИК НАУЧНЫХ-ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЙ
SCIENTIFIC-ONLINE CONFERENCE COLLECTION

 OpenAIRE zenodoINTERNET
ARCHIVE

**«ZAMONAVIY DUNYODA AMALIY FANLAR: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR»
NOMLI № 2-SONLI ILMIY, MASOFAVIY, ONLAYN KONFERENSIYASI**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING 2020 YIL 2-MART KUNGI «ILM, MA'RIFAT VA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH YILI»DA AMALGA OSHIRISHGA OID DAVLAT DASTURI TO'G'RISIDA»GI FARMONIDA KO'ZDA TUTILGAN VAZIFALARNI IJROSINI TA'MINLASH MAQSADIDA «INNOVATIVE ACADEMY RSC» MCHJ TOMONIDAN TA'SIS ETILGAN «EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH (EJAR)» ILMIY-USLUBIY JURNALINING (O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI AXBOROT VA OMMAVIY KOMMUNIKASIYALARNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGINING 1415-SONLI GUVOHNOMA HAMDA ISSN 2181-2020, WWW.IN-ACADEMY.UZ VEB SAYTI) «ZAMONAVIY DUNYODA AMALIY FANLAR: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR» NOMLI ILMIY, MASOFAVIY, ONLAYN KONFERENSIYASI E'LON QILINADI.

KONFERENSIYA TO'PLAMI ZENODO, OPEN AIRE, OPEN ACCESS BAZALARIDA INDEKSLANADI. KONFERENSIYA TO'PLAMIGA DOI RAQAMI BERILADI. KONFERENSIYA TO'PLAMIGA QUYIDAGI YO'NALISHLAR BO'YICHA MAQOLALAR QABUL QILADI:

1. AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
2. MATEMATIKA (TURLARI BO'YICHA)
3. FIZIKA (TURLARI BO'YICHA)
4. TEXNIKA FANLARI

ESLATMA! KONFERENSIYA MATERIALLARI TO'PLAMIGA KIRITILGAN MAQOLALARDAGI RAQAMLAR, MA'LUMOTLAR HAQQONIYLIGIGA VA KELTIRILGAN IQTIBOSLAR TO'G'RILIGIGA MUALLIFLAR SHAXSAN JAVOBGARDIRLAR.

ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА МАНБАЛАРИ

Ишниязов Зоҳид Нормаматович

**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва
тадқиқотлар халқаро маркази тадқиқотчиси**
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14936954>

Республикаимизда пахта етиштириш соҳасида давлат буюртмаси бекор қилиниши, пахта етиштирувчи хўжаликлар ҳамда пахтачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи соҳа субъектлари фаолияти хусусий мулкчилик асосига ўтиши, пахта ишлаб чиқаришни соҳасини интенсивлаштириш, самарадорлик даражасини ошириш масалалари пахта етиштирувчи тадбиркорлар зиммасига ўтишини билдиради. Фермер хўжаликларининг фаолияти иқтисодий эркинлиги таъминланиши, ресурслар ва хизматлар харид қилиш, маҳсулотлар сотиш борасидаги ҳамкорларни, маҳсулот сотиш каналларини ҳам мустақил танлаш имкониятини янча кенгайтди.

Айни пайтда пахтачилик ҳудудларида тупроқ шўрланиши (45 фоиздан ортиқ сувли қишлоқ хўжалиги ерлари шўрланган), суғориш тизими ва суғориш усуллариининг сув тежамкорлик талабларига жавоб бермаслиги ортиқча сув сарфи билан бирга иккиламчи шўрланиш ҳавфини ошираётгани, тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, муттасил пахта ва буғдой навбатлаб экиш туфайли тупроқ унумдорлиги пасайиши, механик таркиби ёмонлашиб, тупроқ зичлашиши, тупроқ эрозияси каби салбий вазиятлар экологик ҳолатни тобора ёмонлаштириб бормоқда.

Айниқса пахтачилик тармоғида кўп миқдорда фойдаланиладиган заҳарли кимёвий моддалар (минерал ўғитлар, ғўза касалликлари ва зарарли ҳашоратларига қарши қўлланиладиган заҳарли моддалар (пестицидлар), ғўза баргини тўкишда фойдаланиладиган дефолиантлар каби) экин майдонлари тупроғи, сув ҳавзалари ва атмосферани ифлослаши туфайли экологик муаммолар кучайишига олиб келади¹.

Бугунги экологик муаммолар салбий таъсири кучайиб бораётган даврда пахтачилик соҳасини замонавий инновацион технологиялар асосида ривожлантириш биринчи навбатда илм-фан ютуқлари, илғор тажрибалардан кенг фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда органик пахта ишлаб чиқариш масаласи соҳадаги долзарб бўлган йўналишлардан бири бўлиб, бунда икки томонлама самарадорлик кузатилади. Биринчиси, маҳсулотнинг инсон организми учун зарарсизлиги бўлса, иккинчиси табиатга келтириладиган зарарлар камайишида².

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда пахтачилик соҳасини ривожлантириш қишлоқ хўжалиги тараққиётини таъминлаш жараёнидаги атроф муҳит ифлосланиши олидини олиш тадбирларини амалга оширишни молиялаштиришнинг турли шакллари,

¹Манба: Экологические проблемы сельского хозяйства. <https://vyvoz.org/blog/ekologicheskie-problemy-selskogo-hozyaystva/>

²Манба: Незванова А.Ю. Одежда из хлопка убивает экологию?! https://green-club.su/organicheskiy_xlopok/?unapproved=14655&moderation-hash=175708a1859621128a962ea67f0ff770#comment-14655

йўллари ва услубларини жорий қилишга асосий эътиборни қаратиш зарурати ортиб боради.

Юқоридагиларни инобатга олинса, экологик тадбирларни амалиётга жорий этишни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ва шунингдек, бу соҳада тадқиқотлар олиб бориш, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни субсидиялаш ва кредитлаш тизими аҳамияти ортиб боради. Шу боис республика маъмурий ҳудудлари (Қорақалпоғистон Ресубликаси ва вилоятлар) бўйича экологик тадбирларни молиялаштирувчи экологик инвестицион жамғармалар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Экологик тадбирларни молиялаштиришдаги бундай тизимни жорий этишда қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олинади:

- ҳудудларининг табиий-иқлим шароити билан боғлиқ экологик ҳолати, аграр ресурслар билан таъминланиши, аҳолининг экологик онги ва соҳа ходимларининг малакаси, меҳнатга бўлган муносабатларидаги, деҳқончилик маданиятидаги ҳамда пахтачилик соҳаси иқтисодий ҳолатидаги тафовутлар;

- республика ҳудудлари хусусиятлари таъсирида юз берадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришига ихтисослашув йўналишлари;

- республика ҳудудлари бўйича саноат соҳасининг ривожланишидаги фарқлар ва саноат тармоқларининг фойдалилик даражаси (экологик тадбирларни молиялаштириш имконияти назарда тутилади);

- пахтачилик тармоғига илм-фан ютуқлари, илғор агротехник услублар ва самарали иқтисодий механизмларни жорий этишдаги фарқлар мавжудлиги (пахтачилик соҳаси мутахассислари малакаси, тармоқни бошқариш тизмидаги ўзига хос анъаналар кабилар);

- пахта етиштирувчи фермерлар онгида, маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги дунёқарашида янгиланиш ва бозор талабларига мослашиш йўналишидаги илғаш анча қийин бўлган аммо, мавжуд фарқлар;

- қишлоқ хўжалиги тармоқлари фаолияти доирасида экологик ифлосланиш манбаларининг мавжудлиги ва ифлосланиш даражаси кўлами;

- ҳудудларда атроф муҳит ифлосланишида пахтачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар тутган ўрни ва салмоғидаги фарқлар;

- атроф муҳит ифлосланиши даражасини камайтириш ва экологик муаммолар олдини олиш имкониятлари даражаси каби ҳолатлар эътиборга олиниши лозим.

Экологик ҳудудий инновацион жамғарма асосан хусусий капитал ёки бошқа манбалардан шаклланивчи капитални давлат томонидан рағбатлантириш асосига қурилгани ҳолда, давлат томонидан бошқарилиши билан бирга, хусусий ёки давлат шериклиги асосидаги жамғарма сифатида фаолият юритиши ҳам мумкин. ЭҲИЖ лар фаолияти қуйидаги бозор субъектлари фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ (1-расм).



Юқоридаги илмий –амалий хулосалар асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

1. Атроф муҳит ифлосланишини давлат ва жамоатчилик назоратининг самарали услубини ишлаб чиқишни жорий этиш лозим;
2. Соҳадаги агротехнологиялар экологик экспертиза қилиниши, келтирадиган зарар кўлами ҳисобланиши лозим.

Foydalanilgan adabiyotlar/Используемая литература/References:

1. Хушматов Н., Республикада пахта хом ашёси ишлаб чиқариш борасидаги муаммолар: Ўз БИИТИ Илмий ишланмалар тўплами. – Тошкент, 2002. -31 б.
2. Бекназаров Ў.Ф., Мырзаев Б.Ж. Пахтачилик тараққиёти ва экологик маслаҳат тизимини ривожлантириш узвийлиги. /- Тошкент, ЎзБИИТИ, 2007, -57-58-б.
3. Бекназаров Ў. Файзуллаева Т. Экологик мувозанат // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2007. -№ 6. 19
4. Муаллифнинг илмий- амалий изланишлари натижалари.

TABLE OF CONTENTS | MUNDARIJA | СОДЕРЖАНИЕ
SECTION 1. ARTICLES FROM CENTRAL ASIA

1.	ELLIPTIK TENGLAMALARNING MAKSIMAL VA MINIMAL YECHIMLARI Qobilova Ozoda Erkin qizi	4
2.	SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE CONCEPT OF PATRIOTISM Soliyev A.T.	6
3.	DAVLAT MOLİYASINI BOSHQARISHDA MOLİYAVIY NAZORAT USULLARIDAN SAMARALI FOYDALANISH YOʻLLARI Eshnazarov Baxtiyor Safar oʻgʻli, Bayaliyeva Perizat saparaliyevna	12
4.	SOCIAL JUSTICE IN ISLAM: PHILOSOPHY AND PRACTICE Khabibulla Mahmudov	15
5.	ПЕРИТОНИТ У ДЕТЕЙ МЛАДЕНЦЕВ Мубинжонов Азиз Даминович, Ахмедов Дилшод Хабибуллоевич, Илхомжонова Севара Тулкиновна, Абдуллаева Паризода Рустамовна	20
6.	DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MENEJMENTNING MUVOFIQLASHTIRUVCHI ROLI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR Raximjonova Shohsanam Baxodirovna	23
7.	BYUDJET TASHKILOTLARIDA PUL MABLAGʻLARI HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH Elchiboyev Sirojiddin Faxriddinovich	27
8.	АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АЙРИМ УСЛУБЛАР Саидов Жасурбек Сатимбаевич	30
9.	THEATRICAL PERFORMANCE AS A TOOL FOR DEVELOPING STUDENTS' PROJECT COMPETENCIES: A CASE STUDY OF LAYLI AND MAJNUN Komila Timurovna Abdullaeva	33
10.	YURIDIK SHAXSLAR TOMONIDAN AYLANMADAN OLINADIGAN SOLIQNI HISOBLAB CHIQRARISH VA TOʻLASH AMALIYOTI MUAMMOLI MASALALAR VA ULARNING YECHIMLARI Sultanova Akida Xabibullayevna	36
11.	ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА МАНБАЛАРИ Ишниязов Зоҳид Нормаматович	39

12.	TRANSFORMATION OF GENRE PAINTING AFTER THE 1990S Umida Akhmedkhodjayeva	42
13.	BANKLARNI TRANSFORMATSIYALASH JARAYONIDA MOLIYAVIY TEKNOLOGIYALARNI O'RN Sabirova Lobar Abduljalolovna	46
14.	QISHLOQ XO'JALIGI MAHSULOTLARINI EKSPORTINI MOLIYALASHTIRISH Gafurova Azima Azamatovna	49
15.	XUSUSIY AVIATSIYA XIZMAT QILISH LOYIHALARINI RIVOJLANTIRISH MASALALARI Jo'rayeva Nargiza Yusuf qizi	52
16.	LOYIHA RISKLARINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY YONDASHUVLARI Ruziyeva Nodirabegim Ziyodulloyevna	55
17.	ELEKTRON TIJORATNING MILLIY IQTISODIY TARAQQIYOTGA TA'SIRI TADQIQI Ataxanova Feruzaxon Ganiyevna	58
18.	TIJORAT BANKLARDA PLASTIK KARTOCHKALARI OPERATSIYALARINI OPTIMALLASHTIRISHDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARNI JORIY ETISH Asomova Shaxnoza Abduvohid qizi	61
19.	O'ZBEKISTONDA SANOAT TARMOQLARI STATISTIKASINI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI Abdumalikova Durdona Baxtiyar qizi	64
20.	O'ZBEKISTONDA BUDJETLARARO MUNOSABATLARNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI Asqarova Aziza	67
21.	INVESTITSION OQIMNING YALPI ICHKI MAHSULOT (YALPI HUDUDYIY MAHSULOT)GA TA'SIRINI STATISTIK BAHOLASH Abdusattarova Dilnoza Zuxriddinovna	70
22.	PENSIYA TIZIMINI MOLIYALASHTIRISHNI TAKOMILLASHTIRISH VA MOLIYAVIY BARQARORLIGINI OSHIRISH YO'NALISHLARI Akramov Zoxirjon Zafarjon o'g'li	73
23.	AXBOROT BO'LIMINI O'QITISH METODIKASI Normurodova Sadoqat Xoliqulovna, Ismatullayeva Gulshoda Xusniddin qizi, Asadova Shaxina Halim qizi	76
24.	INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI FANINI O'QITISHDA AXBOROT SAVODXONLIGINING O'RN Normurodova Sadoqat Xoliqulovna, Raxmatova Maxfuza Abdusattorovna, Asadova Shaxina Halim qizi	80

25.	O'ZBEKISTONDA ISLOM MOLIYASINI RIVOJLANTIRISH MASALALARI Toxtasinova Dilbar Djalaldinovna	87
26.	IJTIMOIIY HIMOIYAGA MUHTOIJ AHOLINI UY-JOIY BILAN TA'MINLASH LOYIHALARI TANHILI (XORAZM VILOYATI TALQINIDA) Allanazarov Bobur Maqsudovich	90
27.	УГРОЗЫ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ И НА ПРАВЛЕНИЯ ИХ НИВЕЛИРОВАНИЯ В СИСТЕМЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ Садриддинова Нигора Хусниддиновна	93